

Умнатга қайси бири фойдалироқ?

12:19 / 15.03.2017 2776

Буюк имомларимиздан бири Муҳаммад ибн Идрис Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ шогирдлари, яна бир фикҳий мазҳаб имоми Аҳмад ибн Ҳанбалнинг уйига ташриф буюрди. Имом Аҳмад ўз аҳлига устози Шофеъийни кўп мақтар, унинг зуҳду илмини, тақвою ибодатини айтиб, улуғлар эди.

Шу боис, имом Аҳмад хонадонида Шофеъийга нисбатан юксак ҳурмат ва қизиқиш шаклланган эди. Келган меҳмоннинг хонадон аҳли қачондан бери кўришни орзу қилиб юрган улуғ олим эканини билган Имом Аҳмаднинг қизи бу буюк устоздан нималарнидир ўрганиб олиш илинжида унинг ҳар бир ҳаракатини парда ортидан кузатишга киришди. Имом Аҳмад меҳмонга кечки таом ҳозирлади. Меҳмон овқатни жуда иштаҳа билан ва мўлжалдан анча кўп еди. Таомдан сўнг мезбон Шофеъийга тунги намозга турганда ишлатиши учун таҳоратга сув ҳозирлаб, ўз хонасига чиқиб кетди. Шофеъийдан кўп нарса ўрганиш иштиёқида бедор ўтирган ёш талаба – Имом Аҳмаднинг қизи буюк имомнинг қандай намоз ўқишию, қандай тиловат қилишини, нималарни зикр қилиб, қайси оятларни қироат қилишини ўрганмоқчи эди. Аммо натижа у кутгандек бўлмади. Қизнинг ҳафсаласи пир бўлди. Аҳмад ибн Ҳанбал меҳмон билан бирга бомдодга масжидга чиқиш учун меҳмонхонага чиқиб кетаётган эди, қизи унинг кўлидан тутиб, ўз ҳайратини изҳор этди: «Отажон, сиз мақтайдиган Шофеъий шуми?» деди. Ота: «Ҳа, шу. Нима бўлди?» деди. Қиз: «Ахир сиз уни ундай, бундай деб мақтар эдингиз. Мен бу кеча уни кузатдим. Биринчидан, бу одам овқатни кўп еди, ахир олим, зоҳид одам бунча овқат емайди ку?! Иккинчидан, сиз унга таҳоратга сув қўйиб чиқиб кетдингиз. Аммо у одам кечаси билан ёнбошлаб ётганча тонг оттирди. Ана, қўйган сувингиз ўша бўйи турибди. Витрни ҳисобга олмаса, деярли таҳажжуд ҳам ўқимади. Сиз бўлса, кечаси билан намоз ўқиб, тиловат қилиб, дуою тазарруъларлар билан, кўз ёшлари билан тонг оттирасиз. Бу одам ундай эмас экан. Учинчидан, ҳозир бомдодга таҳорат олмай чиқиб кетяпти», деди. Ичу таши бир, фикрини очиқ айтишга одатланган Аҳмад ибн Ҳанбал устози Шофеъийга қизининг гапларини оқизмай томизмай етказди. Шунда буюк имом вазиятни қуйидагича изоҳлаб берди: «Ошқозонимда беморлик бор эди. Биламанки, сенинг таомингда заррача ҳам шубҳали нарса

бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳалол пок таом ҳамма жойда ҳам топилавермайди, кўпроқ есам, зора дардимга шифо бўлса, деб овқатни одатдагидан кўпроқ едим. Таҳорат олмаганимнинг сабаби – мен ўзи таҳорат синадиган даражада ухлаганим йўқ. Тўғри, бугун таҳажжуд ўқий олмадим, аммо кечаси билан бекор ётганим ҳам йўқ. Уйинг баркали экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Эй Абу Умайр! Нима бўлди нуғайр?» деган ҳадислари устида тафаккур қилиб, етмишта масалани аниқладим. Жумладан: қофия билан гапиришнинг жоизлиги; ёш бола билан меъёрда ҳазиллашиш улуғликка зид эмаслиги; гўдакка куня қўйиш жоизлиги; ёш болаларни эркалатиш, уларнинг кўнгилларини кўтаришнинг суннатлиги; болаларга ўйнашлари учун вақт, пул сарфлаш мумкинлиги; агар зарар етказилмаса, қуш боқишнинг жоизлиги... Энди айтчи, эй Аҳмад! Уммат учун қайси бири фойдалироқ?»

Нуғайр – қуш.

Самимиятнинг мусаффо ҳавосидан нафас олган бу буюк устоз шогирдларнинг ушбу учрашувлари ҳам барчага кони ибратдир.

Ҳофиз Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳ мазкур ҳадисдан имом Шофеъий раҳматуллоҳи алайҳ олган ҳукмлардан тақрибан қирқ бештасини санаб ўтган. Буларнинг барчаси Қуръон ва ҳадисларнинг қамровлилигини кўрастиш билан бирга, Ислом уламоларининг нақадар улуғ, билимсевар ва изланувчан инсонлар бўлганини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шахсий ибодатларнинг нафс тарбияси, руҳий камолот топишда алоҳида ўрни бор. Шундай бўлса да, киши ниятни тўғрилаш билан ҳаётининг ҳар бир лаҳзасини ана шундай покловчи ва мақом касб этувчи ибодат қилиб олиши мумкин.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид